

ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ.

Бухоро туманлараро иқтисодий суди судьялари

М.З.Махсудова, А.О.Раҳматова

Кейинги йилларда етук тадбиркорлик маънавиятини тақазо этадиган соҳаларни тизимли ривожлантириш, бизнес учун шароитларни изчил яхшилаб бориш давлатимиз иқтисодий сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланмоқда.

Тадбиркорлик фаолиятининг иқтисодий жиҳатларига асосланадиган барқарорлик рейтинги жорий этилиши мазкур йўналишдаги муҳим янгиликлардан бири бўлди дейиш жоиздир. Президентимиз Ш.М.Мирзиёев томонидан 2024 йил 23 январда имзоланган ПҚ-39 сонли “Тадбиркорлик субъектларининг барқарорлик рейтингини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида” қарор бунинг яққол далилидир. Эндигина кучга кирган ушбу ҳужжатга кўра, қонунчиликка амал қилиб ишлаётган тадбиркорларни аниқлаш ва рағбатлантиришни назарда тутувчи Тадбиркорлик субъектларининг барқарорлик рейтинги 1 февралдан жорий этилиши белгиланди. 2024 йил 1 апрелдан тадбиркорларга субсидия, имтиёз ва преференциялар уларнинг рейтинг даражасидан келиб чиққан ҳолда жорий этила бошланди.

Жорий йилнинг 30 май кунида Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-200 сонли қарори билан Тадбиркорларнинг муаммо ва таклифларини бевосита ўрганиш, тадбиркорликни келгусида ривожлантиришнинг асосий йўналишларини белгилаб олиш бўйича ҳар йили ўтказиладиган Ўзбекистон Республикаси Президентининг тадбиркорлар билан очиқ мулоқотини ташкил қилиш чора-тадбирлари белгиланди.

Республика комиссиясининг асосий вазифалари этиб очиқ мулоқотни юқори савияда ўтказиш билан боғлиқ ташкилий чора-тадбирларни тезкор ва сифатли амалга ошириш, бу борада эксперт гуруҳлари, ҳудудий ишчи гуруҳлар, масъул вазирлик ва идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш;

худудларда тадбиркорлар билан мулоқот ҳафталикларини ташкил этиш, очик мулоқотни ўтказиш жойи ва муддати бўйича таклифлар ва иштирокчилар рўйхатини шакллантириш ҳамда Тадбиркорлар кунини кенг нишонлаш бўйича чора-тадбирлар белгилаш;

тадбиркорлар мурожаатлари ва таклифларини туну кун қабул қилиш ва умумлаштириш, тизимли муаммоларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш, шунингдек, тадбиркорларнинг алоҳида масалаларини жойларда тезкорлик билан ҳал қилишни ташкил этиш белгиланди.

Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, Ўзбекистон миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси, Савдо-саноат палатаси медиарежага асосан очик мулоқот доирасида амалга оширилаётган ишлар ва уларнинг натижаларини оммавий ахборот воситалари, интернет ва ижтимоий тармоқларда кенг ёритиш ишларини ташкил қилиш белгиланди.

Шунингдек, Савдо-саноат палатаси зиммасига:

а) Тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича вакил ва Рақамли технологиялар вазирлиги билан биргаликда икки ҳафта муддатда очик мулоқот доирасида мурожаатларни қабул қилиш, умумлаштириш ва назорат қилиш, шунингдек, очик мулоқот натижалари, қабул қилинган қонунчилик ҳужжатларини жойлаштириб бориш имконини берувчи «Тадбиркорлар билан очик мулоқот» электрон платформасини (кейинги ўринларда — электрон платформа) ишга тушириш;

б) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда:

ҳар йили 15 июнга қадар Республика штаби, эксперт гуруҳлари ва ҳудудий ишчи гуруҳларни жойлаштириш ва уларни зарур моддий-техник жиҳозлар билан таъминлаш масаласини ҳал қилиш;

ҳар йили 1 августга қадар «Фаол тадбиркор» кўкрак нишонига бизнесдаги муваффақиятлари ва ижтимоий фаоллиги билан намуна бўлаётган тадбиркорлар орасидан номзодлар рўйхатини ўрнатилган тартибда Ўзбекистон Республикаси

Президенти ҳузуридаги Давлат мукофотлари ва геральдика бўйича комиссияга киритиш вазифаси юклатилди.

6. Тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича вакил, Савдо-саноат палатаси билан биргаликда бир ой муддатда электрон платформага «Тадбиркор виртуал офиси» ахборот портални интеграция қилсин, мунтазам равишда очик мулоқот доирасида келиб тушган мурожаатлар ўз вақтида ва сифатли кўриб чиқилишини назорат қилсин ҳамда қонунбузилиш ҳолатлари бўйича таъсирчан чоралар кўриб бориши,

7. Республика комиссияси ҳар йили очик мулоқот ўтказилгандан сўнг уч кун муддатда Ўзбекистон Республикаси Президентининг тадбиркорлар билан очик мулоқотида белгиланган вазифаларни амалга ошириш бўйича қарор лойиҳасини Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига киритиши белгиланди.

Тадбиркорлар муаммоларини таҳлил қилиш бўйича эксперт гуруҳлари ташкил қилиниб, уларнинг асосий йўналишлари сифатида

- I. I. Тадбиркорликни молиявий қўллаб-қувватлаш
- II. II. Солиқ тизимини такомиллаштириш
- III. III. Ишлаб чиқариш майдонлари билан таъминлаш
- IV. IV. Инфратузилма билан таъминлаш
- V. V. Транспорт-логистика
- VI. VI. Тадбиркорлар маҳсулотларига бозор топиш
- VII. VII. Ташқи иқтисодий фаолият ва инвестициялар
- VIII. VIII. Тадбиркорликни тартибга солишни соддалаштириш
- IX. IX. Тадбиркорларнинг ҳуқуқий ҳимоясини кучайтириш каби йўналишлар белгиланди.

Шу ўринда алоҳида бир масалада ҳам тўхталиш керакки, замонавий дунёда аёллар жаҳон иқтисодиётида банд бўлганларнинг деярли ярмини ташкил қилади ва умумий ЯИМнинг 37%ини ташкил қилади. Халқаро меҳнат ташкилоти маълумотларига кўра, хотин-қизлар бизнеси жаҳон тадбиркорлигининг салмоқли қисмига айланган ва унинг ривожланиши кичик бизнеснинг келажаги кўп жиҳатдан

аёлларнинг иқтисодиёт тармоғига киришига боғлиқлигини кўрсатади. Мутахассисларнинг фикрича, жумладан ушбу соҳада тадқиқотчи Н.Юнусованинг фикрича, иқтисодий жараёнларда эркаклар ва аёлларнинг тенг иштирокини таъминлаш 2025-йилга бориб жаҳон ялпи ички маҳсулотини 26%га оширади. Охирги маълумотларга асосланиб шуни таъкидлаш мумкинки, Франция ва Буюк Британияда барча фирмаларнинг қарийиб 25%ини аёллар бошқаради. Германияда барча фирмаларнинг тахминан учдан бир қисмини аёллар бошқаради. Японияда ҳам бу кўрсаткич тахминан 25% ни ташкил қилади. Ўзбекистонда хотин-қизларнинг иқтисодий ташаббусларини ошириш, уларнинг кичик ва ўрта бизнесни ижтимоий иқтисодий ривожлантиришнинг кенг кўламли доирасида, шунингдек, бандлик нуқтаи назаридан намоён бўлиши жуда муҳим. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Халқаро хотин-қизлар кунига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи бунга ёрқин мисол бўла олади: Ўзбекистон Республикаси Президентининг расмий веб-сайтидан олинган маълумотга қараганда, Ўзбекистонда сўнгги 5 йилда тадбиркор аёллар сони икки баравар кўпайгани, 205 мингдан ортиқ хотин-қизлар ўз бизнесини йўлга қўйгани. Биргина 2023-йилнинг ўзида 279 мингдан ортиқ бизнес-лойиҳаларни амалга ошириш учун 13 триллион сўмдан ортиқ кредит ажратилиб, қарийиб 57 минг аёлга 300 миллиард сўмга яқин субсидия ажратилди. Шунингдек, 200 мингга яқин хотин-қиз касб-ҳунар ва тадбиркорлик йўналишида таҳсил олди. Энг муҳими – 400 мингдан ортиқ аёл ва қизлар иш билан таъминланди. Хотин-қизларга ажратилган 6 триллион сўм ипотека кредити ҳисобидан 25 мингдан ортиқ оила уй-жой топди. Уй-жой шароитини яхшилаш ва кредит бўйича дастлабки тўловни тўлаш учун 6200 нафар аёлга 200 миллиард сўм субсидия ажратилганлигини ҳам таъкидлаш жоиздир.